



1989 йил КПСС марказий кўмитаси сиёсий бюроси аъзолари Совет иттифоқидаги икки марказий осие республикасининг янги бошлиқларини танлашди. Мана 26 йил ўтиб Нурсултон Назарбоев ва Ислон Каримов ҳали ҳамон Қозоғистон ва Ўзбекистонда ҳукмдорлик қилиб келишмоқда. Улар бу вақт мобайнида Совет Иттифоқининг парчаланишини, Афғонистон ва бошқа қўшни мамлакатлардаги



шундай деб таъкидлади: АҚШнинг Ўрта Осиё билан муносабати борасидаги сиёсати "ўзаро хавфсизликни ошириш мақсадида ҳамкорликни мустаҳкамлаш" ва "янада яқин иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш"ни кўзда тутди, "Россиянинг унинг чегарасидаги ҳаракатлари... халқаро тартиб пойдеворида таҳдид солади". Шунингдек Блинкен, Ўрта Осиёнинг ушбу мамлакатлари билан

АҚШ ЎРТА ОСИЁДА ЯНА ДИКТАТОРЛАРГА ТАЯНМОҚДА

урушларни, Хитойнинг ўсиши ва қатағонлар аралашмаси туфайли исломий терроризмнинг тарққалиши, кланли капитализмни, коррупция ва рақобат кучларининг қўллаб қувватланишини бошдан ўтказишди. Ҳозирда, бошқа евроосиё мамлакатларининг раҳбарлари сингари ўзларига, Владимир Путин Россиясида мустамаккачиликнинг қайта туғилишидан омон қола оламизми, деган савол билан мурожаат қилишмоқда.

Утган йили Назарбоев ва Каримов Путиннинг Украинага бостириб кириб, нефт баҳосининг тушиб кетиши ҳамда ғарб чекловлари туфайли рубл курсининг кескин тушиб кетишига дучор бўлганига гувоҳи бўлишди. Буларнинг барчаси Қозоғистон ва Ўзбекистонга кетма-кет зарба бўлди, уларнинг иқтисоди ва валютаси жиддий зарар кўрди, натижада мамлакатлар сиёсий раҳбариятлари Путин уларнинг ҳам суверенитетига таҳдид солиши мумкинлигидан чўчишга бошлади. Айниқса Назарбоевда чўчиш учун жиддий сабаб бор эди: Қозоғистон аҳолисининг тахминан беш дан бир қисми бу – этник руслардир, Путин эса ўз нутқларидан бирида, ҳозирда ушбу 74 ёшлик президент бошқараётган ҳудудда, "аввал ҳеч қандай давлат бўлмаган", — дея таъкидлаган.

Ушбу ўртаосиё давлатларининг иккала ҳукмдорлари ҳам эски макрдан фойдаланишга қарор

қилишди: улар сайловлар ўтказишди. Март ойида 77 ёшли Каримов 90 фоиз овоз билан янги президентлик муддатига сайланди. Уз касбдошидан ортда қолмаслик учун, унинг ваколати хали тугамаган бўлсада, Назарбоев ҳам апрел ойида сайлов ўтказди ва 95 фоиз сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар қатншувида 97,7 фоиз овоз тўплаб, қатъий ғалабага эришди. "Супердемократик мамлакатлар учун бундай кўрсаткичлар номақбул, бу учун узр сўрайман, лекин мен ҳеч нарса қила олмадим", — деб айтган сайловлар натижаси эълон қилингандан кейин ташкил қилинган матбуот конференцияси давомида Назарбоев.

Аслида ғарб демократияси сайловлар натижаларига ҳеч қандай шубҳа билан қарашмади: президент Барак Обама жаноб Назарбоевни "ғалаба" билан қутлашга шошилди. Ушуб ўртаосиё мамлакатларининг Россия билан боғлиқ хавотирларига АҚШ маъмурияти иқтисодиёт ва муҳофаза борасидаги ҳамкорликларни мустаҳкамлаш билан жавоб қайтарди. Каримов тез-тез мамлакат ичидаги норозиликларни харбийлар ёрдамида бостирганлиги тўғрисидаги далилларни эътиборсиз қолдирган ҳолда, феврал ойида АҚШ Ўзбекистонга 300 донна зирхли транспорт воситаларини етказиб бериш учун розилик билдирди. АҚШ давлат котиби ўринбосари Энтони Блинкен (Antony Blinken) яқинда

АҚШ ҳамкорлигининг муҳим жиҳатларидан бири "инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, фуқаролик жамиятлари ўрнини мустаҳкамлаш ва диний эркинликни таъминлаб беришни қатъий талаб қилиш"дан иборатдир дея таъкидлаган. Аммо, маъмурият ҳақиқатдан ҳам шу мақсадларни кўзлаган бўлса, ҳозирча улар ҳеч қандай кўзга кўринарли натижаларга эришишгани йўқ. Бу ҳолат эса уларни ташвишга солиши керак, чунки Назарбоев ва Каримовнинг авторитар тактикаси, Путин босимида уларнинг мамлакатлари қаршилиқ қила олиш эҳтимолини камайишига олиб келмоқда. Иккала раҳбар ҳам шу кунгача ўз оилалари аъзоси бўлмаган ворисларини танлай олишгани йўқ. Кўпчилик қобилиятга эга сиёсатчилар Қозоғистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ёки қамоққа тушишади, ё бўлмаса мамлакатни тарк этишга мажбур бўлишади. Мустақил ОАВлар эса у ерларда умуман йўқ.

Ўрта Осиё суверенитетини муҳофаза қилишга йўналтирилган сиёсатнинг асосий мақсади, ислохотчилар ва модернлаштирувчиларни ҳимоя қилиш, шунингдек мустаҳкам сиёсий институтларни ташкил қилиш бўлиши лозим. Бу орада эса, Обама маъмурияти – Совет сиёсий бюроси каби – яна авторитар ҳукмдорларга таянмоқда.

УХХ хабарлар бўлими

“Тинчлиги учун ўз озодлигини қурбон қилган халқ на озодликка ва на тинчликка лойиқдир”, деган эди америкалик сиёсатчи **Бенжамин Франклин**.

Бу гапнинг ёрқин исботини биз Ўзбекистон мисолида сўнги 23 йил давомида узлуксиз кўриб келмоқдамиз. “Тинчлик бўлса, бўлди” деган тушунча Ўзбекистондан бошқа дунёнинг биронта мамлакатига халқ ва давлат шиорига, аҳолининг яшаш тарзига ва ҳатто унинг маънавий мезонига ва асосий кадриятига айлантирилмаган.

Ва айни пайтда “тинчлик ҳукм сурапти”, деб ҳисобланган дунёнинг ҳеч бир мамлакатига Ўзбекистондаги сингари кўп қон тўкилмади, “тинч” деб аталган ҳеч бир ўлкада халқ Ўзбекистондаги каби нотинч ва беором бўлмади, ҳеч бир мамлакат Ўзбекистон қадар ҳақирлик, куллик, таҳқир ва зулм остида қолмади.

“Тинчлик бўлса, бўлди”, деб тинчини йўқотган миллионлаб ўзбеклар тирикчилик дардида ва мамлакатда 20 йилдан ортиқ бош-бошдоқлик ва талон-тарож билан шуғулланаётган ҳокимиятдаги бир ҳовуч ўғрилар зулми туфайли дунё бўйлаб саргардон юрмоқда.

Аслида, “тинчлик” ҳақидаги бундай сафсаталар совет давридан Каримов режими мерос қилиб олган бир сарқитдир, бу сафсатадан кўзланган мақсад – халқни муҳтамал уруш билан кўркитиб, кўзларнинг кўркувдан юмилишидан фойдаланарок, халқни талаш, уни бор-йўғидан маҳрум этишдан иборатдир. Бу ўринда ўзимнинг совет даврида ёзган бир шеъримни эслайман:

Кўрқинчли тинчлик

Кўчада кимдир
Ваҳший овоз билан бўқира
тинмай:
“Яшасин тинчлик!
Тинчлик!
Тинчлик...!”
Бунни эшитиб, бошимизга
Кўрқинчли, кўрқинчли ўйлар
келади...

Мадомики, бошимизга ҳар хил ўйлар келаётган экан, бу ўйлар билан бирга хотирамизга рус классик ёзувчиси **Ф.М.Достоевский**нинг уруш ва тинчлик ҳақидаги ушбу сўзлари ҳам келади, фақат азиз ўқувчи бу иқтибосни тарғибот деб эмас, балки, сохта “тинчлик”

Кўрқинчли тинчлик

ҳақидаги сафсаталар туфайли хотирга келган бир иқтибос, мушоҳада учун бир мавзу сифатида қабул қилишларини сўраймиз, мағн оригиналда, рус тилида келтирилмоқда:

“Великодушие гибнет в периоды долгого мира, а вместо него являются цинизм, равнодушие, скука и много — много что злобная насмешка, да и то почти для праздной забавы, а не для дела. Положительно можно сказать, что долгий мир ожесточает людей. В долгий мир социальный перевес всегда переходит на сторону всего, что есть дурного и грубого в человечестве, — главное к богатству и капиталу. Честь, человеколюбие, самопожертвование еще уважаются, еще ценятся, стоят высоко сейчас после войны, но чем дольше продолжается мир — все эти прекрасные великодушные вещи бледнеют, засыхают, мертвеют, а богатство, стяжание захватывают всё. Остается под конец лишь одно лицемерие — лицемерие чести, самопожертвования, долга, так что, пожалуй, их еще и будут продолжать уважать, несмотря на весь цинизм, но только лишь на красных словах для формы. Настоящей чести не будет, а останутся формулы. Формулы чести — это смерть чести. Долгий мир производит апатию, низменность мысли, разврат, притупляет чувства. Наслаждения не утончаются, а грубеют. Грубое богатство не может наслаждаться великодушием, а требует наслаждений более скоромных, более близких к делу, то есть к прямейшему удовлетворению плоти. Наслаждения становятся плотоядными. Сладострастие вызывает сладострастие, а сладострастие всегда жестокость. Вы никак не можете всего этого отрицать, потому что нельзя отрицать главного факта: что социальный перевес во время долгого мира всегда под конец переходит к грубому богатству”

**Ф.М.Достоевский,
“Парадоксалист”.**

Ўтган куни “Озодлик” радиосига интервью берган берган бир мусулмон аёл ўз

диний жамоаларидаги бир қанча мусулмон аёлларнинг ўзбек махсус хизмати ходимлари тарафидан қамокда исқанжаларга солингани ва зўрланганликлари ҳақида йиғлаб гапириб берди. Бу аёллар фақат ёш қизларга Курьон ўқишни ўргатганлари учунгина шундай ақл бовар қилмас ваҳшийликларга дучор қилинмоқда. Ҳар куни юзлаб, минлаб фуқаролар шу сингари зулмлар қурбони бўлмоқда. Тинчлик шуми?

Хўп, майли, сиз сиёсатга ҳам аралашмайсиз, диндор ҳам эмассиз, фақат ўз қорнингиз ғамида юрган Каримов режими наздидаги “идеал” бир фуқаросиз — сиз ўзингизни тинчликка эришдим, деб ҳисоблай оласизми? Йўқ, албатта, агар сиз дехқон бўлсангиз ва режим наздидаги “мукамал” бир дехқон сифатида раҳбариятдан ўзингизнинг меҳнат ҳаққингизни ҳам талаб қилмай, “оч қорним, тинч кулоғим” деб “тинчгина” яшамоқчи бўласиз, аммо қорнингизнинг очликдан чуғурлаши ва болаларингизнинг нон сўраб йиғлашлари сизнинг кулоғингизга тинчлик бермайди. Оч қорин кулоқнинг тинчлигига ва умуман, тинчликка қафолат беролмайди.

Сиз “тинчгина” тирикчилик қилишни истаган ишбилармон ва ёки миршаб бўлсангиз ҳам тинчгина яшай олмайсиз, Ўзбекистонда ҳеч бир сабабсиз ишбилармоннинг қўлидан иши тортиб олиниси ва энг яхши миршабнинг қисқа муддат ичида “юкори” буйруғи билан ашаддий жиноятчи ва жаллалда айлантирилиши кундалик воқеадир. Ҳатто мансабдор ҳам ҳаммадан пора олиб, “тинчгина”, мазза қилиб, яшай олмайди — Каримовнинг 23 йиллик ҳукмронлиги давомида бугунга келиб қамалиб кетмаган мансабдорлар сони жуда оздир. Бошқа касб эгаларининг тақдири ҳам — шу. Хуллас, “тинчлик” дегани шундай бир сароб экан-ки, сен унинг изидан қанча қувсанг, у сендан шунча узоклашар экан.

Демак, сароб, сурат ортидан эмас, сийрат тарафга, мавжуд воқелик сари, ҳақиқий тинчлик сари юрмоғимиз лозим. Ҳақиқий тинчлик эса, бу — энг аввало, қонун устуворлиги, адолат тантанаси, халқнинг эркинлиги ва фаровонлигидир.

Бундай тинчликнинг бузилишини ҳеч ким истамайди.

Максуд Бекжон



Ўзбекистонда яна бир мактабда ИШИД байроғи осиб кетилди

Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги мактаблардан бири, бинода ИШИД қора байроғи осиб кетилгани сабабли тергов ўтказиш учун ёпилганлиги ҳақида ИА REGNUM муҳбирига, фарзанди шу мактабга борувчи шаҳар аҳолисидан бири хабар берган. “Мактаб бир неча кунга ёпилди, лекин ҳозир яна қайта очилди”, — дея маълумот берган у суҳбат давомида.

Охирги ой мобайнида бу ИШИДнинг республика ҳудудида уюштираётган биринчи ҳаракати эмас. Бир неча кун аввал Бухоро шаҳрида номаълум шахслар томонидан ИШИД байроғи юкори кучланишли устунга осиб кетилган, ҳозирда шаҳарда қатор диндорларнинг ҳибсга олиниши кузатилмоқда.

ИШИД белгиси ва ҳукуматга таҳдидлар битилган варақалар бир оз аввал Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги мактаб ва коллежлар биноларида топилган эди. Ўшанда воқеа жойига вазир Адхам Ахмедбоев бошчилигида ИИБ раҳбарияти ҳам боришган эди.

Аввалроқ Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати (МХХ), ИШИД жангчилари Туркменистон билан чегарадош ҳудудда беркинаётгани ва ўзбек чегарасида фаолияти ортиб бораётганини айтган эди. МХХ маълумотларига кўра, Афғонистонда ўрнашган экстремистлар ўз эмиссарларини Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё мамлакатларига тарғибот олиб боришлари учун юборишмоқда.

“ИШИДнинг Ўрта Осиё остонасида пайдо бўлишининг ўзи, амалга оширилиши мумкин бўлган теракт ва жангари амалиётлар даражасини оширди”, — деган эди ўшанда МХХ вакили Бахтиёр Шарафов.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонда долларнинг ўсиши натижасида савдо-сотиқ кескин қисқарди

Ўзбекистонда охирги уч ой ичида долларнинг 1000 сўм (\$0,2) га қимматлашгани натижасида, мамлакатнинг йирик улгуржи “Абу Сахий” бозори тадбиркорлари ўз ишларидан воз кечишмоқда. “Озодлик” радиоси билан суҳбат қилган баъзи тадбиркорлар, ижара ва тўловлар ошиб бораётган бир вақтда, ойлик тушумнинг 60 фоизга тушиб кетганлигидан арз қилишган.

Шу йилнинг март ойи бошларида Ўзбекистон валюта қора бозорига 3 700 – 3760 сўмдан сотилаётган АҚШ доллари қиймати ҳозирда 1 доллар 4750 сўмга кўтарилди. 16 май куни Тошкент валюта қора бозорларида 1 АҚШ доллари нархи 1950 сўмгача, баъзи жойларда 5000 сўмга кўтарилди.

Доллар қийматининг ошиши ўз ўрнида чет элдан олиб кириладиган аҳоли истеъмол маҳсулотлари, маиший ва хўжалик маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилишига олиб келди.

Хитойдан маҳсулот олиб келиб, “Абу Сахий” бозорида сотувчи тадбиркорнинг айтишича, ўтган уч ой билан таққослаганда, унинг оладиган фойдаси деярли 60 фоизга қисқарган.

“хар сафар 15-20 минг долларлик маҳсулот олиб келамиз. Бу маҳсулотларнинг олиб келинганлиги учун “Абу Сахий” бозори каргосига 1.5-2 минг доллар тўлаймиз. Натижада 16-22 минг доллар харажат қиламиз. Бунинг устига ўз фойдамизни ҳам қўшишимиз керак, натижада маҳсулотни қимматга сотамиз. Бир тарафдан, маҳсулот нархининг ошиши билан савдо-сотиқ ҳажми пасайиб кетади.

Бошқа тарафдан, маҳсулотни сўмга сотамиз, уни долларга алмаштиргунимизга қадар валюта 400-500 сўмга қимматлашади. Натижада фойда ўрнига зарарда бўлиб чиқамиз”, — дейди тадбиркор суҳбат давомида.

Унинг сўзларига кўра, “Абу Сахий” бозорида ижара ва тўловлар нархи ҳам жуда қиммат. Масалан, 2x3 метрни ташкил қиладиган савдо ўрни ойига 1.5-2 миллион сўм (\$300-400), яна деярли 1 миллион сўм(\$200) турли тўлов квитанциялари нархи.

“Агарда шу бозорда савдо қилсангиз, барчасига ойига 3

миллион (\$600) харажат қилинади. Ҳозир майда савдогарлар бу бозордан кетишяпти. Бизникилар ўтган ойи бор йўғи 300 доллар ишлашди. Хаттоки Россияда ишлаётган меҳнат муҳожирлари ҳам ҳозир бундан кўп олишади”, — дейди тадбиркор.

Шунингдек, аввал маҳсулот учун Хитойга бир ойда икки марта бориб келадиган тадбиркорлар энди ўз қатновларини қисқартиришмоқда, дея таъкидлади.

“Ҳозир биз сота олмаган кўп қолдиқ маҳсулот қолган. Оддий халқ учун жуда қиммат.

Бунинг устига ҳозир кириб келаётган маҳсулот янада қимматроқ, ўзингиз айтинг энди, қандай савдо қилиш мумкин”, — дейди тадбиркор.

16 май куни тушлиқдан сўнг Тошкент шаҳар валюта қора бозорларида 1 АҚШ доллари 4950 сўмгача кўтарилди, баъзи жойларда 5000 сўмга етди. Бу мустақил Ўзбекистон тарихида қайд қилинган янги рекорд натижа.

16 май кунидан буён валюта қора бозори ва Тошкент бозорларидаги вазиятни кузатиб келаётган Мустақил журналист Абдурахмон Ташановнинг айтишича, долларнинг қимматлашиши маҳсулотлар нархига жиддий таъсир кўрсатган.

“Аҳоли истеъмол маҳсулотларининг асосий қисми Ўзбекистонга Хитойдан олиб келинади. Ҳозирда доллар нархининг кўтарилганлиги сабабли “Абу С

ахий” ва “Карвон бозор” каби йирик бозорлардаги импорт маҳсулотларининг нархи кўтарилган.

Бозорларда айтишларича, агарда вазият шу ҳолатда давом этса, импорт маҳсулотлари савдоси касодга учрайди”, — дейди Ташанов.

Бу орада Ўзбекистон Марказий банки томонидан белгиланган долларнинг расмий курси ва қора бозордаги нархи орасидаги фарқ ойдан ойга ўсиб бормоқда. 18 май куни Марказий банк чет эл валютасининг янги курсини эълон қилди.

1 АҚШ долларининг расмий курси бор йўғи 4,85 сўмга ўсди ва 2527,58 сўмни ташкил қилди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўтган ой ишдан олинган Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати раисининг ўринбосари Ҳаёт Шавкатович Шарифхўжаев устидан очилган жиноят иши доирасида унинг уйида тинтув ўтказилган. Озодлик манбаларига кўра, тинтув пайтида собиқ генерал уйдан тасвирий санъат асарлари ва қадимий қўлёзма китоблар топилган. Ҳаёт Шарифхўжаев яқинларидан бирининг Озодликка айтишича, “ўтган ҳафта собиқ МХХ генералининг уйида коррупция ва давлат маблағларини

бу уч идорадан қайси бирида сақланаётганини аниқ айтиб бера олмади. Озодлик ўз суриштируви давомида “Офокхўжа Қуръони”, Ўзбекистон қўлёзмалар институтидан олиб кетилгач, исзиз йўқолганига оид норасмий иддаоларга ҳам кулоқ тутди.

Ўтган ой ишдан олинган Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати раисининг собиқ ўринбосари Ҳаёт Шарифхўжаев уйи тунтув қилинганда чиққан қўлёзма китобнинг айнан “Офокхўжа Қуръони” эканига

ойда ишдан олинди, Тошкент Олий МХХ мактабига оддий ўқитувчи қилиб юборилган.

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати ёки бошқа расмий идоралардан бу маълумотни тасдиқлаш ёки инкор қилиш имкони бўлмади.

Ўтган ҳафта Ҳаёт Шарифхўжаевнинг «туғишган жияни» Ўзбекистон Адлия вазирлиги Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг собиқ бошлиғи Жаҳонгир Ғуломов ҳибсга

Сайидликка даъвогар МХХ генерали

ўзлаштириш бўйича гумонланиб, тинтув ўтказилган”. Унга кўра, тинтув жараёни видеотасвирга ёзиб олинган.

Ўз исми сир қолишини истаган МХХ собиқ ходимларидан бирининг Озодликка микрофонсиз суҳбатда айтишича, тинтув пайтида Ҳаёт Шарифхўжаев уйдан тасвирий санъат асарлари ва қадимий қўлёзма китоблар топилган: Тинтув пайтида Шарифхўжаевнинг уйдан Қуръоннинг қадимий қўлёзма нусхаси чиққан. Тинтувда иштирок этган экспертлар бу қўлёзманинг “Офокхўжа Қуръони” деб билинган ноёб китоб эканлиги борасида хулоса беришди, - дейди Озодлик манбаси.

Озодликка маълум бўлишича, бу қўлёзма Ўзбекистон Қўлёзмалар институтида яқин-яқингача сақланган. Айни институтдаги Озодлик манбасининг маълум қилишича, Қуръони Каримнинг ушбу қўлёзма нусхаси айни пайтда институт балансида йўқ:

Мутахассислар орасида “Офокхўжа Қуръони” деб юритиладиган бу қўлёзма 1626 йили туғилиб, 1694 йилда Қошғарда оламдан ўтган Нақшбандия тариқати улуғларидан бири Офокхўжа кутубхонасида бўлгани айтилади. Биласиз Офокхўжа таниқли ўзбек шоири Бобораҳим Машрабга устозлик қилган. Бу қўлёзма ва бошқа нодир китобларни биздан олиб қўйишган. Бу китобларнинг бир қисми Ўзбекистон Ислон университети, бошқа бир қисми Шарқшунослик институти ва яна бир қисми эса Ўзбекистон диний идорасига берилган, - дейди Қўлёзмалар институтидаги Озодлик манбаси.

Айни пайтда Озодлик манбаси “Офокхўжа Қуръони”

оид якуний экспертиза хулосаси ҳали Озодликда ихтиёрида мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаш зарур.

МХХ генерали пайғамбар авлодими?

Ўз исми сир қолишини истаган МХХ собиқ ходимларидан бири бу китоб борасида экспертлар дастлабки хулосани бергани ва қўлёзманинг охириги варағида қўлёзмалар институтининг инвентар рақамини кўрганини ҳам айтади. Унга кўра, Ҳаёт Шарифхўжаев ўзини Сайидлар авлоди сифатида Нақшбандия тариқати пири муршиди Офокхўжага қариндош деб билган.

Тошкентлик тарихчилар кўмагида Шарифхўжаев ўз шажара китобини ёздирган эди. Бу китобда Шарифхўжаевлар оиласининг бир бутоғи Офокхўжага уланади. Шу боис генерал Шарифхўжаев учун “Офокхўжа Қуръони” бало-қазолардан асровчи хосиятли балоғардон сифатида қадрли бўлган, - дейди Озодлик манбаси.

Ушбу манбанинг илова қилишича, Ҳаёт Шарифхўжаев уйдан топилган қўлёзма китобнинг ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилгани бўйича дастлабки айблов хулосаси расмийлаштирилган. Унга кўра, Ўзбекистон президенти фармониға мувофиқ, Шарифхўжаевдан генераллик рутбаси ва бошқа мукофотлар олиб ташланган.

Ҳаёт Шарифхўжаев Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан “Шон-шараф” ордени билан тақдирланган эди.

Мамлакат бошқарув элитасига яқин ва бир-бирдан мустақил икки манбанинг ўтган ҳафта Озодликка маълум қилишича, 52 ёшли генерал Ҳаёт Шарифхўжаев ўтган

олинганди.

Аввалроқ генерал Ҳаёт Шарифхўжаевнинг туғишган укаси Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи, МХХ полковниги Жавдат Шарифхўжаев ноқонуний тадбиркорлик, коррупция ва давлат маблағларини ўзлаштиришда айбланиб, тўрт йилга озодликдан маҳрум этилганди.

Озодлик ўтган йили камокқа олинган ўндан ошиқ МХХ зобитларнинг ҳозирда ишдан четлаштирилган МХХ генерали Ҳаёт Шарифхўжаевга алоқадор эканига доир мақолани нашр этган эди.

Гулноранинг прогнози тўғри чикдими?

Президент қизи Гулнора Каримова 2013 йилда матбуот орқали қилган чиқишларида Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларга қарши баёнотлар қилган эди.

Жумладан Туркиянинг “Хуррият” нашрига берган интервьюсида Гулнора Каримова ака-ука Шарифхўжаевларнинг коррупцияга аралашганини билдирган эди. Сал ўтиб, Гулнора Каримова Bilan журнаliga берган интервьюсининг тўлиқ варианты деб тақдим қилинган матн ҳам МХХ раисининг ўринбосари Ҳаёт Шарифхўжаевнинг коррупцион олди-бердиларини “фош қилади”.

Бу ёзувлардан бир йил ўтиб Гулнора Каримова Twitter-да қолдирган ёзувлар ва матбуотга берган интервьюларида исми зикр бўлган мулозимларнинг иши “чаппа кетаётгани”ни кузатиш мумкин.

Манба: ozodlik

Нега?

Бу ҳақидаги “хушхабар”дан бугун, 2015 йилнинг 18 май куни воқиф бўлибман.

Россия шаҳарларининг бирида ишлайдиган ўртоғи қизларимдан бирига “Western Union” пул ўтказмаси орқали олган омонатини юборган экан.

Банкдан ҳечам пул олмаганман, сизам бирга юринг, — деб қолди қизалоғим. Банк дегани шундоққина уйимизнинг тумшугини тагида: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор, 23-мавзе, олдинги “Башкерия” бекати, мўлжал — ҳозирги “Дилором” тўйхонаси биқиндаги “дом”нинг биринчи қаватида, аниқ расмий манзилини кўрсатадиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Ширин кўчаси, 40 да “Ipoteka-bank» акциядорлик тижорат ипотека банки фаолият юритади. Бу банк “Ipoteka-bank”нинг Тошкент вилоят филиали ҳисобланади.

Қизимга ҳамроҳлик қилдим. Аммо, айтиб қўяй, аслида юборилган маблағ айтишгаям арзимайди. Бирок, ҳозир гап сармойанинг катта ва ё кичиклигида эмас. Энг муҳими, мана шунингдек арзимаган пул жўнатмаси баҳонасида Ўзбекистон банк тизимида жорий этилган бир эмас, бира йўла иккита ажойибу-ғаройиб янги “қонун”ларнинг гувоҳи бўлганимни айтмайсизми?

Балки, бу — ўзгалар учун ҳайратланарли ҳол эмасдир? Эҳтимол, аксарият одамлар бунингдек ажабтовур қоидалардан аллақачонлар хабардор бўлишгандиру, биргина мен ғафлатда қолгандирман, бунисини билмадим....

Мазкур банкнинг “Пул ўтказмаси” ойначасини олдида ярим соатлар навбат кутиб турган қизим “Пу олиш” ва “Пул жўнатиш”га оид банкнинг махсус бланкасини тўлдириб берди.

Компьютерининг ойнасини титкилаган бақалоққина ўзбек миллатига мансуб (илгари яхшигина корейс қиз ўтирарди) банк ходимаси:

— Сизга “Western Union” пул ўтказмаси орқали Россия мамлакатидан пул келган экан. Хабарингиз йўқми, Ўзбекистон Давлат банкларида Россия мамлакати шаҳарларидан келган ҳар қандай пул ўтказмаларини — долларларни эгаларига бериш таъқиқлаб қўйилган. Бу ҳақда янги қонун чиққанига анча бўлган. Бизнинг банк давлат тасарруфидаги “Ipoteka bank” ҳисобланади.

Нима, у ҳолда менга юборилган пулни энди сираям ололмайманми?

— ажабланти қизим.

Йўқ, нега энди, ололасиз. Фақат

мамлакатимиздаги давлат банкларидан эмас. Сизга юборилган долларни олишни истасангиз, хусусий банкларга мурожаат қилишингиз керак бўлади. Россиядан жўнатилган пул



Ўзбекистон: Давлат банкларида Россиядан юборилган пул жўнатмаларини бериш таъқиқланган..ми?

жўнатмаларини эгаларига етказиш учун фақат юртимиздаги частный банкларга рухсат этилган ҳолос, — жавоб қилди банк ходимаси ўта мулозамат билан. Банк ходимининг хушмуомилалиги бежиз эмас. У ўз хизмат столида ўтириб олиб, пул жўнамалари орқали доллар олаётган мижозларга секингина “Долларингизни пул қилмайсизми мабодо?” деб сўрамоқда. Кимдаким унинг таклифига ризолик берса, мижозга доллар ўрнига бозор курсидан 5-10 минг сўм арзониға шарақлагиб ўзбек сўмини санаб бермоқда, бира-йўла мижозлар мушқулини осон қилмоқда экан.

Бир кун олдин бу ходима менга ҳам айнан шундай таклиф қилиб, рад жавобини олганди.

Она-бола банкдан чиқиб, хусусий банк қидириб кетдик. Хусусий банк ҳам олисда эмас. Шундоққина Фарход бозорининг трамвай чорраҳасидаги “Теген” супермаркетига қўшқанот бўлиб кетган бинода ХАТБ «InFinBank» («Фарход», Тошкент, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 56. Тел.: (99871) 271 43 82) деб номланган хусусий банк филиали жойлашган.

Қизим мазкур банкнинг пул ўтказмаси бўлими ходимасига учрашиб, яна омонатини ололмасдан, ноумид бўлиб қайтиб чиқди. Мамлакатимизнинг банк тизимидаги қонун-қоидага асосан, Россиядан жўнатилган пул ўтказмаларини олиш учун жўнатма юборилган дақиқадан бошлаб роппа-роса 12 соат ўтиши талаб этиларкан. Ана шу белгиланган вақт ўгачгина жўнатма эгаси маблағни олиш ҳуқуқига эга бўларкан.

Сизга пул жўнатишганларига ҳали 3 соат ҳам бўлмаган. Жўнатмани олишингиз учун банк қоидаларига мувофиқ 12 соат кутишингизга керак бўлади. Эртага

келинг, — деб юборишибди «InFin-Bank» ходимлари.

Очиғи, бунингдек оламшумул “янгилик”дан ҳам илк бор воқиф бўлишим эди. Хўп, унда банк ўтказмаларининг тезкорлиги қаерда қолади? Майли, бизга юборилган маблағни эртага, индинга олсак ҳам бўлаверади, бирор ер ёниб, кул бўлаётгани йўқ.

Русларда “время — это деньги” деган гаплар бўларди... Дунёда, Марказий Осиёда, Ўзбекистонимизда ҳам йирик-йирик тадбиркорлар бор. Гоҳида улар катта-катта олди-бердиларини пул ўтказмалари орқали ҳал қилишига тўғри келиб қолади.

Шундай тикилинч кезларда тадбиркор шўрликлар нима қилади?: Бемани 12 соат ўтишини кутиши керак бўладими? Қизиқ-ку? Ҳеч нарсани англашга ақлинг етмайди киши. Бунингдек бемаъни қоида биргина Ўзбекистон банк тизимларида бавжудми, ёки бутун дунё банклари шунингдек қонунларга амал қилади?

Мени ажаблантирган нарса шуки, қизик, нега энди мамлакатимизнинг давлат банкларига пул жўнатмалари орқали Россиядан юборилган долларларни ўз соҳибларига етказиш амалиёти таъқиқлаб қўйилган? Сабаб?

Бу ҳақда банкнинг “долларни сўм қилувчи” юмалоққина ходимасидан сўраганимизда, у “Бунисининг сабаби бизга номаълум.

Балки Россия билан муносабатлар яхшимасдир? Балки бунга Россияда доллар қимматлашиб кетгани сабабдир? Ким билсин?” дея елка қисийдан нарига ўта олмади.

Балки банк ходимларининг ўзлари ҳам билмайдиган бу саволлар жавобини иқтисодчилар билишар?

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

Эссэ
Ёлдошларим Южел Танай ва
Хакан Жоскунарсланга

Олам икки асоснинг
ибтидонинг,
Яъни Ёруғлик ва Қоронғулик,
Яхшилик ва Ёмонликнинг
тўхтовсиз
курашидан иборат.
Оваста

Ўзи сазавор бўлмаган мақтовни
талаб қилиши – аҳмоқлик.
Замахшарий

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-1

Илм эгалари билан ёзувчиларни
доим ўзимга яқин олдим. Душман
кайфиятида бўлганларга ҳам
ҳомийлик қилдим.
Темур

Ким бировга номехрибонлик
тигини тортса, унинг ўзи
раҳмсизлик қурбони бўлади.
Навий

I Қисм ЎЛИМ КУНДАЛАРИ

Менинг гапларимни эшит,
мағзини чақ, тагига ет. Мен елга
сўзламайман.

Бобом Аҳмат Оқсоқолнинг Отам
Маҳмуд узунга айтгани.
СССР...

Унинг ули, девори, умуман, бор-
буди инсон қони эвазига қурилган
эди. Тиконли симлар билан ўралган,
дажжоллар билан қуршалган бу
темир қафасга кириб ҳам бўлмасди.
Ундан чиқиб ҳам.

Чунки эшиксиз, туйнуксиз,
хавосиз, қоронғи эди у.

СССР...
Бу қамоқхонадан девор оша овоз
чиқмасди.

Дард,
Алам,
Нола,
Йиғи,
Оҳ – зорлар ҳам...

(ули, ул – фундамент, пойдевор).

СССР...
Унга:
Севги,
Севинч,
Тафаккур ёт эди.
СССР...
Бу Тангрисиз тузумнинг
мафкураси сароб эди.
СССР...
Унинг бошқарув усуллари:

Зўрлик,
Зулм,
Зуғум,
Тахқир,
Қамоқ,
Қийноқ,
Ўлим... эди.
Ўлим кундалари:
Сталин,
КГБ,
МВД...
Улар:
Хур фикр,
Чин сўз,
Ақлдан ўлатдек кўрқардилар.

Шунга:
Хақиқат,
Адолат,
Эрк эшикларини бўғовлаб
кўйгандилар.

Шунга:
Ёлғон,
Тухмат,
Фитна,
Иғво уяларини қургандилар.

Булар:
Газета,
Журнал,
Радио,
Телевизор,
Институт,
Университет,
Партия мактаблари.

Булар:
Тарғибот,
Ташвиқот марказлари.
Яна...

Э – ҳе, уларнинг сони
маймуннинг жунидан ҳам кўп.

Улар ҳар куни бир сақични
чайнашарди:

Сталин,
Компартия,
“Улуғ оға”га ҳамду сано
айтишарди.

Америка,
Овропага гўр казишарди.

Сталин,
КГБ,
МВД
Оғизларни,
Кўзларни,
Қулоқларни,
Кўлларни,
Оёқларни боғлашди,
Мияларни,
Онглари,
Қалбларни кишанлашди.

Нимага?
Ҳакни айтмаслиги,
Кўрмаслиги,
Эшитмаслиги учун.

Чин сўзлаганлар:

Камалди,
Отилди,
Осилди,
Сургун этилди.
Уруғ – аймоқлари билан...
Айниқса:
Илмли кишилар,
Ёзарлар,
Олимлар,
Шоирлар...
Бунга Фитрат, Чўлпонлар мисол.
Ўлдирилганлар сони хомчўт
қилинса, 25 миллиондан ошади.
Академик Сахиров сўзи:
“Сталин ва унинг “Ўлим
машиналари” халқлар бошига
келган ўлат эди.”

Қама – қама, ўлдир – ўлдирлардан
кейин ўрис ҳам, украин ҳам, ўзбек
ҳам, қозоқ ҳам, лагиш ҳам, гуржи
ҳам, армани ҳам... хуллас, СССР
таркибидаги ҳамма элу элатлар
кўрқиб қолишди. Шунга:

Хақиқат,
Адолат,
Тўғри сўз,
Эзгу фикрлар қаршисида
титрашди.

Ёлғон билан яшашди.

Сталин,
Компартия,
Тузум,
“Улуғ оға”ни мактаб кун
кўришди.

Кишанланган қалбларнинг
дамлари ичларида бўғилди.

Фитрат сўзи:
“Зулмни мактаган кишилар
тирик қолишди”.

Булар:
Санаб саноғига етиб бўлмайди.

Бари қутуриб яшади.
Сохта довруқ билан...

Энди ёздиқлари ёзилма'да.
Шунга қарамай, ялов қилинаётир.

СССР, Компартия, “Улуғ оға”
маддохлари байроқ...

Мустақил Ўзбекистон буни
қандоқ тушунади?

Кўли қонларни ким қўллаётир?
Кимлар?

Давлат тизимларига тиш-
тирноқлари билан ёпишиб олган,
бойигандан-бойиб, семиргандан-
семириб кетган издошлари эмасми?

Хайридинлар,
Айритиллар... эмасми?

Уларни ким ўқийди.
Эл жим.

Чучмал нарсаларга ким тоқат
қилади?

Оёқ учида ёзиладиган
нарсаларга...

Зотан ялтоқ қалблар миллат
дардини ёзишга қодир эмаслар.

(Давоми келгуси сонда)



Бунинг учун Ички ишлар вазирлиги таркибида мактабларни кўриқловчи алоҳида қисм тузилиши кўзда тутилмоқда.

Айтилишича, ҳозирда ёши 45 гача бўлган, жисмонан кучли

вилоятининг Янгийўл тумани мактабларидан бирида, қолаверса Бухорода ҳам «Исломиёв давлат» гуруҳиникига ўхшаш байроқ осиб кетилган.

Шубҳали варақа ва байроқлар топилган мактаб ва коллежлар бир неча кунга ёпиб қўйилди.

Мактабларда штатли кўриқчилар қачондан ишга киришишлари маълум эмас. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги расмийси масаланинг молиявий жиҳати ҳозир кўриб чиқилаётганини айтди:

Алоҳида штат очилади, уларга ойлик тўланади. Ўзбекистон Молия вазирлиги билан ҳозир шу масала муҳокама этиляпти, — деди вазирлик расмийси.

Айни пайтда, Тошкентдаги ўрта мактаблардан бирининг мудирасига кўра, ўрта мактабларни кўриқлаш ўқитувчилар ҳисобидан амалга оширилмоқда:

Ҳозир ҳар куни усилениа ҳақида тепадан топшириқ олаяпмиз. Ҳар куни кечкурун бир ўқитувчи навбатчиликка қоляпти. 25 майга ҳам усиление, дейишди. Бу ўқитувчиларни ишига ҳалал берсяпти. Ўқув жараёнига салбий таъсир қилади. Алоҳида кўриқчи қўйишса, дуруст бўлар эди, — дейди мактаб мудираси.

Айни пайтда, суҳбатдошнинг айтишича, Ўзбекистон мактабларида ўқитувчилар ва ўқувчилар фавқулодда ҳолатларда қандай йўл тутиш кераклиги бўйича тушунтириш соатлари ўтказилмоқда.

Манба: ozodlik

Кўрққанга қўша кўринар

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги хавфсизлик идоралари билан ҳамкорликда ўрта мактабларда милиция бўлимлари ташкил этиш ва ҳар бир мактабга биттадан кўриқчи қўйиш масаласини кўриб чиқмоқда. Бундан ташқари яқин орада ҳар бир мактабда химоя тўсиқлари ва хавфсизлик тугмалари ҳам ўрнатилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги расмийларидан бири Озодлик билан суҳбатда ҳар бир мактабда ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биттадан кўриқчи штати очилишини тасдиқлади:

Ҳар бир мактабга формали кўриқчилар қўйилади. Алоҳида шундай штат ташкил этилади. Ички ишлар бўлимларида махсус тайёргарликдан ўтган кўриқчилар мактабларимизни кўриқлайди, — деди вазирлик расмийси.

фуқароларни ишга олиш жараёни бошланган.

Бундан ташқари ҳар бир мактабда фавқулодда ҳолат юз берган тақдирда милиция-патруль хизматининг мактабга зудликда етиб келишини таъминловчи хавфсизлик тугмаларини ўрнатиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Подробно.уз нашрининг ёзишича, пойтахтдаги айрим мактабларда аллақачон хавфсизлик тугмалари ўрнатилган. Ўзбекистон мактабларида хавфсизлик чоралари сўнгги ойлarda мамлакатнинг бир қанча мактаб, коллежларида шубҳали қора байроқ ва таҳдидли варақалар топилиши ҳодисасидан сўнг кучайтирилмоқда.

Ўтган ой Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги мактаб ва коллежларда Сурия ва Ироқда фаолият қилаётган «Исломиёв давлат» ёки ИШИДга оид экани айтилган варақалар топилган эди.

Шу ой бошида эса Тошкент


Брокерларнинг фикрига кўра, долларнинг паст курси узоқ ушланиб турмайди ва Америка валютаси янада қимматлашади.

Ўтган дам олиш кунлари Ўзбекистондаги доллар курси психологик нуқтани кесиб ўтиб, 1 АҚШ доллари 5 минг сўмга тенглашди. Ҳукумат вазиятни ўнглаш учун ноиктисодий усулни қўллаб, кўчадаги доллар олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахсларни тарқатиб юборди. Шундай шахслардан бирининг айтишича, шаҳар бўйлаб долларчиларга рейдлар ўтказилмоқда, кўплари ҳибсга олинмоқда.

“Натижада доллар курси 4,6 минг сўмга тушган, аммо республикадаги долларга бўлган катта талаб туфайли бу курс узоқ давом этмайди, америка

валютаси нархи яна кўтарилади. Биз, масалан, ҳозирда ўзимиздаги долларни сотмаяпмиз, аксинча америка валютаси курсининг кўтарилишини кутаяпмиз” — дейди у суҳбат давомида.

Охирги икки ярим йил давомида



Ўзбекистонда АҚШ доллари курсининг кескин ўсиши натижасида кўча долларчилари таъқиб қилинмоқда

ўзбек сўми долларга нисбатан 100 фоиз кадрсизланган.

Мустақил ўзбек экспертнинг фикрича, ўзбек валютасининг 2014 йил охири ва шу йилги кескин кадрсизланиши авваламбор чет элда ишлаётган, асосан Россиядаги меҳнат муҳожирларидан республикага кириб келадиган

доллар миқдорининг қисқариши билан боғлиқ. Шу сабабли 2015 йилда Ўзбекистонда юқори кўрсаткичли инфляция кутилмоқда.

Қолаверса Ўзбекистонда аҳолига ойлик маоши, нафақа ва ёрдам пулларини тўлаш учун ўткир нақд пул етишмовчилиги кузатилмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)



– Сиз менга нима қилсангиз қилинг! Аллоҳга ямин этаманки, агар биз уч юз киши бўлсайдик ёки биз энгилиб, бу ерни сизга берардик ёки сиз энгилиб, бу ерни тарк этардингиз, – деди Ҳазрати Умар.

Шу пайт Йемен хошияли либос кийган бир қуръайшлик қария орага кириб, “одам ўзига дин танлаган бўлса, сизга нима? Адий бин Қабъ ўғиллари сизга бу одамни ўлдиртиради, деб ўйлапсизларми? Тарқалинг бу ердан! Унинг ҳомийси менман!”, деди ва мушрикларни тарқатди”.

Мушрикларга қарши юриш

Ҳазрати Умар шундай ҳикоя қилади: “Мусулмон бўлганим пайтлари Расулulloҳ алайҳиссалом билан асҳоби мушриклардан яшириниб юрган замонлар эди, бир куни “Ё Расулulloҳ, биз хоҳ ўлик, хоҳ тирик бўлайлик, ҳақ устидамиз, шундайми?”, деб сўрадим.

Расулulloҳ алайҳиссалом: “Ҳа. Борлиғим қудрат кўлида бўлган Аллоҳга ямин этаман-ки, сизлар хоҳ ўлик, хоҳ тирик бўлинг – ҳақ устидасизлар” деди.

“Ё Расулulloҳ, биз ҳақ устида, улар эса ботил устида бўлганига кўра, нечун биз динимизни яшираемиз? Биз исломиятни куфрга қарши эълон қилишга лойиқмиз, Аллоҳнинг дини Маккада муҳаққак устун келажак! Қавмимиз бизга қарши келса, у билан жанг қиламиз, инсофли ҳаракат қилишса, буни ҳам қабул қиламиз,” дедим мен.

– Бизнинг сонимиз улардан оз, – деди Расулulloҳ алайҳиссалом.

– Сени ҳақ дин ва Китоб билан пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга

ямин этаман-ки, ҳеч чекинмасдан, кўркмасдан Исломнинг инонч асосларини эълон қилмаганим бирорта жамоат қолдирмайман! Биз муҳаққак майдонга чиқамиз!, – дедим мен!

Ва икки саф бўлиб чиқдик.

Сафларнинг бирини бошида Ҳамза, иккинчисининг бошида мен бор эдим. Қатъий қадамлар билан, йўлнинг чангини ун каби тўзитиб, Масжидий Ҳарамга кирдик. Қуръайш мушриклари гоҳ менга, гоҳ Ҳамзага боқишар эди.

Улар ҳеч қачон тушмаган бир қайғуга тушдилар. Ўшанда Расулulloҳ менга “Ҳақ билан ботилни айирди” дея “Фарук” исмини берди”.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (28).

Мушрикларнинг Расулulloҳни ўлдиришга ташаббус қилиши

Исломият араб қабилалари орасида ёйилишга бошлади.

Ҳабашистон қироли Нажошийнинг Ҳазрати Жаъфар ва сафдошларига кўрсатган икромиди Қуръайш мушрикларига жуда оғир ботган эди. Қуръайш мушриклари Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ўлдиришга қарор бердилар ва “уни очик ёки гизли – муҳаққак ўлдирамиз”, дея ямин этишди.

Абу Толиб Қуръайш мушрикларининг бу жиноятни ишлашга қатъий қарорли эканини кўриб, Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғилларини ёнига тўплади. Мусулмон бўлгани ҳам, мушриги ҳам, қариндошлик боғлари асосида Шиибда тўпландилар. Фақат Ҳошим ўғилларидан Абу Лаҳаб келмади. Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғилларининг Пайғамбар алайҳиссаломни ҳимоя қилиш учун Шиибда қароргоҳ қурганларини эшитган Қуръайш мушриклари ҳам бир мажлис чақирдилар.

Улар Макканинг юқори тарафида Муҳассобда йиғилишди. Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғилларига қарши шу чораларни кўришга келишдилар:

1. Расулulloҳ алайҳиссаломни ўлдириш учун уларга таслим этгунларича Ҳошим ўғиллари билан ярашув таклифи қабул этилмаяжак,

2. Уларга шафқат қилинмаяжак,

3. Уларга қиз берилмайди, улардан қиз олинмайди,

4. Уларга ҳеч нарса сотилмаяжак,

5. Улардан бирор нарса сотиб

олинмаяжак,

6. Улар билан ўтирилмайди, кўришилмайди, гаплашилмайди,

Ва Уларнинг уйларига кирилмайди, деб келишиб олдилар.

Бу моддаларни бир саҳифага ёзиб, унга муҳр босдилар. Ва берган сўзларини тутиш учун бу саҳифани Каъбанинг ичига осдилар.

Бу саҳифани ёзган Мансур бин Икрима эди 5. Саҳифани ёзган куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом дуо қилди ва Мансурнинг кўли қуриди, чўлок бўлди.

Абу Толибнинг олган тадбирлари

Абу Толиб Пайғамбаримизга қарши ҳар қандай ёмонлик

ва суиқасдга қарши бир тадбир ўлароқ, уйку олтидан Пайғамбаримизни ҳамманинг кўз олтида ётоғига ётқизиб, кейин ҳамма ухлаганида уни турғазиб, қариндошлардан бирининг ўрнига ётқизар, қариндошни эса Пайғамбаримизнинг ўрнига ётқизарди.

Шииб аҳолисининг машаққатлари

Шиибда тўпланган мусулмонларга қарши Қуръайш мушрикларининг уйғулаган тадбирлари 3 йил ичида ўз таъсирини кўрсатди.

Мушриклар мусулмонлар учун бозор ва савдо- сотиқ йўлларини кесдилар. Улар Маккадан келган озик- овқатни Шиибдагилар олмасдан олдин дарров ўзлари сотиб олардилар. Ёки, масалан, сотувчиларнинг ёнига Абу Лаҳаб бориб, “Эй, Тужжор жамоати, Муҳаммаднинг асҳобига шундай юксак баҳода сотинглар-ки, улар ҳеч нарса ололмасин!”, дея ташвиқот юритарди.

Шииб аҳолисининг кун кўриши учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом бутун молини харжлади.

Ҳазрати Ҳадича ҳам, Абу Толиб ҳам бу йўлда бутун мол-мулкни харжладилар. Ёйишга нон тополмай, ёғоч япроқларини еганлар, ҳатто очликдан ўлганлар ҳам бўлди. Очликдан йиғлаган болаларнинг фарёди Шииб тарафдан тез- тез эшитила бошлади.

Қуръайш мушриклари ўзларининг мусулмон қариндошларига бирор озик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

юбормоқчи бўлса, буни яширинча юборишга мажбур эди. Чунки Абу Лаҳаб кабилар кузатиб юришарди.

Мушрикларнинг қурғокчилик балосига мубтало бўлиши

Пайғамбаримиз алайҳиссалом мушрикларнинг исломиятга қарши истаксиз ҳаракатини ва зулмларини кўриб, “Эй Аллоҳ, буларга ҳам Юсуф алайҳиссалом замонидаги етти (қитлик) йили каби етти (қитлик азоби) бериб, менга ёрдам эт,” дея дуо этди.

Бу дуодан сўнг ёмғирлар тўхтади, ер қуриб қолди.

Қуръайш мушриклари ҳаётида даҳшатли қитлик бошланди. Кўплари очликдан ўлди. Ҳаром ўлган ҳайвонларнинг гўштларини, ит гўштини едилар.

Ўшанда Абу Сўфиён Саҳр бин Ҳарб Пайғамбаримиз алайҳиссалом ёнига келди ва:

– Эй Муҳаммад, сен ўзингни раҳмат билан юборилганингни айтиб, бизга Аллоҳга итоатни, қариндошга ёрдамни амр этиб турибсан. Қавминг эса қурғокчилик ва қитликдан ўлиб кетаяпти. Уларнинг устидан бу фалокатни олиб ташлаш учун Аллоҳга бир дуо эт!, – деди.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (28).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом дуо этди.

Ёмғирлар ёға бошлади.

Аллоҳу Таоло уларнинг устидан фалокатни узоклаштирди, аммо улар яна ўз ширкига қайтдилар.

“Йўқ, улар (ўлганидан сўнг тирилишга) шубҳа қиладилар, (буни масҳара қилиб) ўйнайдилар. Бас, осмоннинг ошқор бир тутун келтиражаги бир кунни кузатинг. У (тутун) одамларни ўраб олажак! Бу аламли азобдир. Эй Роббимиз, биздан бу азобни аритгин. Чунки биз энди иймон этамиз (деяжаклар). Улар учун ўйланиш, ибрат олиш қаёқда дейсиз? Ҳолбуки, уларга (ҳар нарсани) очик тушунтирган бир Расул келди, ундан юз ўгирдилар! Ва “унга (бировлар томонидан) ўргатилган”, “(у) мажнун” дейишди. Албатта, биз бу азобни бир оз аритамиз. Аммо сизлар яна (куфрга) қайтасизлар! У кун биз даҳшатли ушлаш билан ушлаймиз. Зеро биз интиқом олувчимиз!” (“Духон”, 9-16).

Димод-ул-Аздийнинг мусулмон

бўлиши

Аздий Шануа кабиласидан Димод бин Салаба Умра қилиш учун Маккага келганди. У жоҳилия даврида Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан танишиб, дўсти бўлган эди. Табиб эди, ақл хасталари, жинниларни дуо ўқиб, тузатарди. У Маккада Абу Жаҳлнинг бир мажлисига кириб, у ерда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ақлдан озиб қолганини, унинг илоҳларни ҳақоратлаб юрганини эшитди. Ва уни даволаш ниятида Пайғамбаримизнинг ёнига борди.

Ё Муҳаммад, мен жинниларни ўқиб даволайман, балки сенга ҳам ёрдамим тегар. Сен ҳақда шундай-шундай нарсалар эшитдим, – деди Димод бин Салаба.

Пайғамбаримиз эса унга шундай жавоб берди:

– Ҳамд Аллоҳга махсусдир. Биз унга ҳамд этиб, ёрдамни ҳам ундан иштаймиз. Нафсларимизнинг шарридан Унга сиғинамиз. Аллоҳнинг тўғри йўлга солганини йўлдан оздирадиган йўқ. Йўлдан оздирганини тўғри йўлга эриштиражак йўқ. Шубҳасиз, биламан ва билдираман-ки, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ. У бир ва ягонадир. Унинг шериги ва ўртоғи йўқдир. Яна, шубҳасиз, биламан ва билдираман-

ки, Муҳаммад Унинг кули ва Расулидир!.

Пайғамбаримизнинг бу сўзлари Димодга ниҳоятда ёқди.

Мен ҳеч қачон бунчалик гўзал калом эшитмаган эдим! Шу сўзларни яна бир бор такрорласанг-чи менга!, – дея илтимос қилди у.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом такрорлади.

Димод унга яна икки қарра такрорлатди.

– Валлоҳи, мен коҳинларнинг, сеҳргарларнинг ва шоирларнинг сўзларини ҳам эшитдим. Аммо сенинг шу сўзларинг каби ҳеч бир сўз эшитмадим. Бу сўзлар денгизнинг тубигача бориб етгандир. Сен нималарга даъват қиласан?, – деди у.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга:

– Сени бўйнингдаги бутларни юлиб, шериги ва ўртоғи бўлмаган, бир ва ягона бўлган Аллоҳга иймон этишга, менинг эса Аллоҳнинг Расули эканимга шаҳодат келтиришга чақираман, – деди.

– Мен буни қилсам, менга нима

бор?, – деди Димод.

– Сенга жаннат бор, – деди Расулуллоҳ алайҳиссалом.

– Мен бўйнимдан бутларни юлиб отаман ва шаҳодат этаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ! У бирдир, унинг шериги, ўртоғи йўқдир! Яна шаҳодат этаман-ки, сен Аллоҳнинг кули ва Расулисан! Менга қўлингни бер, сенга исломият устига баёт этайин!, – деди Димод бин Салаба.

Пайғамбаримиз қўлини узатди, Димод баёт этди.

– Бу баёт қавминг номидан ҳамми?, – деб сўради Расулуллоҳ алайҳиссалом.

– Ҳа, қавмим номига ҳам, – деди Димод.

Ойнинг иккига айрилиши

“Иншиқоқий камар” (ойнинг иккига бўлиниши) мўъжизаси нубувватнинг тўққизинчи йилида, Қуръайш мушрикларининг истаги билан, Аллоҳнинг изни ила, Пайғамбаримиз алайҳиссалом тарафидан намойиш этилгани

Анас бин Молик,
Ҳазрати Али,
Хузайфа бин Ямоний,
Абдуллоҳ бин Масъуд,
Абдуллоҳ бин Аббос,
Абдуллоҳ бин Умар,
Абдуллоҳ бин Амр Ос,
Жубайр бин Мутъим ва бошқа саҳобалар тарафидан билдирилгандир.

Абдуллоҳ бин Масъуд дейди-ки: “Расулуллоҳ алайҳиссалом замонида ой иккига бўлинганди Расулуллоҳ алайҳиссалом “шоҳид бўлинглар” деди”. (Бухорий, “Саҳих”, 4/186).

“Биз Расулуллоҳ алайҳиссалом ила Минода эдик. Ой икки парчага айрилди. Ойнинг бир парчаси тепанинг у тарафида, иккинчиси бу тарафида қолди. Шунда Расулуллоҳ “шоҳид бўлинглар”, деди.

Жубайр бин Мутъим шундай дейди:

“Расулуллоҳ алайҳиссалом замонида Ой шу тоғнинг устида икки парчага айрилди”.

Бу ҳодисанинг тафсилоти шундай:

Қуръайш мушриклари Валид бин Муғира, Абу Жаҳл Амр бин Хишом, Осе бин Воил бошчилигида Пайғамбаримиз алайҳиссаломга “агар сен чиндан ҳам пайғамбар бўлсанг, ойнинг ярмини Абу Кубайс тоғи устида, ярмини Куайқиён тоғи устига қўйиб, икки айир”, дейишди.

(Давоми келгуси сонда)



Амнести Интернейшнл ташкилоти инсон ҳуқуқлари фаолини озод этиш учун халқаро кампания бошлади

Инсон ҳуқуқлари фаоли Аъзам Фармонов “қамокхона қоидаларини бузганликда” айбланиб яна беш йиллик қамок жазосига ҳукм қилинган.

Аъзам Фармонов шу йил апрел ойида тўққиз йиллик қамок муддати тугаб, озодликка чиқиши кутулаётган эди.

Нуфузли Амнести Интернейшнл ташкилоти ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари фаолини озод этиш учун халқаро кампания бошлаган.

Ташкилотга кўра, Аъзам Фармонов зудлик билан ва ҳеч қандай шартларсиз озод этилиши керак.

Аъзам Фармоновнинг турмуш ўртоғи Озода Ёқубова эрининг айнан қандай важлар билан яна қамок жазосига ҳукм этилганини билмайди.

Ҳозирда инсон ҳуқуқлари фаоли Жаслик қамокхонасида экани айтилади.

Ўзбекистонда норасмий Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг фаоли бўлган Аъзам Фармонов 2006 йил июнида товламачиликда айбдор деб топилиб, 9 йилга озодликдан маҳрум этилганди.

Анъанага айланган баҳоналар

Ўзбекистонда сиёсий маҳбусларнинг турфа баҳоналар билан қамок жазосини узайтириш ҳолатлари анъанага айланиб улгурган.

Исми ошкор этилишини истамаган маҳаллий журналист Ўзбекистондаги қамокхона нозирларининг бири билан суҳбат

ҳозиргача уни даҳшатга солишини айтади.

“Сиёсий маҳбус деган гап йўқ бизда... Тездадан буйруқ келади. Чиқармайсан дейилади, эринмаса бир парча қоғоз ҳам жўнагади, биз ҳам чиқармайдиган қиламиз. Давлатга қаршимисан, жазонг шу, жимгина ишлаб юравермаган булар ҳам...”

Ўзбекистонлик ва халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий тутқун деб кўрилган маҳкумларни қамокдан чиқармаслик мақсадидаги баҳонаю амалларини мунтазам танқид қилиб келади.

Кўплаб йиллар давомида сиёсий тутқунларнинг қамок муддатлари «жазони ижро этиш муассасасининг ички тартибини бузди» деган баҳона билан узайтириб келинади.

Қамок жазолари мунтазам узайтирилиб турадиганлар орасида таниқли сиёсий маҳбуслар Муҳаммад Бекжон ва Мурод Жўраевлар ҳам бор.

20 йилдан бери қамокда қолаётган Мурод Жўраевнинг қамок муддати ҳозирга қадар уч марта узайтирилган.

Хар икки маҳкумнинг ҳам саломатлиги ҳақида хавотирлар янграганди.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат қамокхоналарида ўнлаб, баъзи манбаларга кўра эса юзлаб сиёсий тутқунлар борлигини ҳеч қачон тан олган эмас.

Манба: bbc.co.uk/uzbek

Россия Федерациясининг НАТО юкларини транзит қилишни рад этиши Ўзбекистон учун ёмон хабарми?

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари учун афғон кампаниясидаги фойдали ҳамкор сифатида ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Демак, ғарб мамлакатлари республикадаги инсон ҳуқуқларининг бузилишига ортиқ кўз юмишмайди. Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи НАТО юклари транзит қилинадиган “Шимолий йўналиш” нинг ёпилиши – бу молиявий қийинчиликларга дуч келган Ўзбекистон учун ёмон хабар, дея таъкидлаган Regnum ахборот агентлигига мустақил ўзбек мутахассиси.

“Ўзбекистон ўз ҳудудидан НАТО юкларини транзит қилиш учун қанча миқдорда тўлов сўраган билмайман, лекин молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган республика учун валюта тушуми ортиқчалик қилмас эди”, — дейди мутахассис агентлик билан суҳбатда.

Шу билан бирга, унинг сўзларига кўра, масаланинг муҳим жиҳати бунда эмас. “Муҳими шуки, Ўзбекистон секин-аста Америка Қўшма Штатлари учун афғон кампаниясидаги фойдали ҳамкор сифатида ўз аҳамиятини йўқотмоқда, бу эса ўз ўрнида Ғарбдан Ўзбекистон ҳукуматига сиёсий босим ортиб боришини англатади”, — деб ҳисоблайди мутахассис. Унинг сўзларига кўра, ўтган вақт мобайнида АҚШ Ўзбекистонда юз бераётган инсон ҳуқуқларига ўта бепарволик, коррупция, адолатсизлик ва бошқа ҳуқуқ ва озодлик асосларининг бузилишига ўзининг Афғонистондаги ҳарбий кампанияси тўғрисида кўз юмиб келган.

“Шимолий йўналиш” орқали маблағни сезиларли даражада тежаш, бир тарафдан АҚШга бюджет маблағини тежашга ёрдам берди, бошқа тарафдан – дунёда бу мамлакатни демократия таянчи сифатида обрўсини кўтарди”, — дейди мутахассис.

Афғон кампанияси давомида Ўзбекистонда инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини бузилиши тобора ортиб борди, “АҚШ эса ўзини ҳудди ҳеч нарса бўлмагандек тутди”, — дея таъкидлайди у.

“Вақти-вақти билан ўзбек ҳукумати америкаликларни халқаро терроризм билан курашиш, Афғонистоннинг тикланишида ўзининг фойдалилиги ва бошқа масалаларда Ўзбекистоннинг муҳимлиги ҳақидаги мақтовли гапларни айтишга мажбурлашди. Америкаликлар эса бу сўзларни, ўтган йиллар мобайнида тазийқ бир неча бор ортган республика аҳолиси зарарига сўйлади”, — таъкидлади мутахассис.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Озодлик” радиоси хабар беришича, Ўзбекистон исломий ҳаракати (ЎИХ) жангариларига Покистоннинг чекка ҳудудлари ўн йилдан бери бошпана бўлиб келади.

Афғидан, бугунга келиб жангариларнинг аксари Покистондан чиқиб кетган ва ўзига янги уй изламоқда. Улар бундай жойни Афғонистонда – ўз ватанларининг остонасида топган бўлишлари мумкин.

Кейинги ойларда Афғонистон ҳукумати ҳамда ҳарбийлари мамлакат шимолида кўпайиб бораётган зўравонликларнинг сабабларидан бири сифатида мамлакатда ажнабий жангчиларнинг сони ошиб бораётганини кўрсатишмоқда.

Шимолий Афғонистондаги жангарилар қаердан келганини аниқлаш осон бўлмас-да, уларнинг орасида ЎИХ аъзолари кўп эканини тахмин қилиш мумкин. Бу жангарилар 2014 йилда Покистон армияси Вазиристонда олиб борган ҳарбий амалиётлардан кейин Афғонистонга қочиб ўтгани айтилмоқда. Унгача Вазиристонда ЎИХ жангарилари сони кўп бўлган.

Аҳолисининг асосий қисми тожиклар, ўзбеклар ҳамда туркманлардан иборат бўлган шимолий Афғонистон Ўзбекистон исломий ҳаракати учун қулай маскан бўла олади.

Бу ҳудуд Ўзбекистон исломий ҳаракати фаолияти бошланган Марказий Осиё билан чегарадошидир. ЎИХ 1990 йиллар охирида Ўзбекистон ҳукуматини ағдариш ниятида юзага келган. Гуруҳ АҚШ Ташқи ишлар вазирлигининг чет эллик террорист ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Дастлаб афғон расмийлари мамлакатга кириб келган жангарилар сони озлигини, улар Толибонга ёрдам бериш учунгина келганини айтган эдилар. Аммо сўнгги ойларда ҳукумат кучларининг Бадахшон, Тахор, Қундуз, Жўзжон, Фарёб ҳамда Бодғис вилоятларида жангарилар ҳамда “ажнабий жангчилар”га қарши олиб бораётган кураши ҳақида жуда кўп хабарлар келмоқда. Жангларда сон жиҳатидан жангарилардан оз бўлган афғон ҳукумати кучларининг қўли баланд келгани йўқ.

Жангарилар эса ҳукумат кучларининг кучсизлигидан фойдаланмоқда.



Ўзбекистон исломий ҳаракати ватан тупроқларига яқинлашдимизми?

10 апрель куни 200 га яқин жангари Бадахшон вилоятининг Журм туманида ҳукумат истехкомларини қўлга олди. Ҳукумат кучлари жангариларга қарши ҳужум уюштирди ва туманни яна назорат қила бошлади. Тўқнашувлар давомида бир неча одам, жумладан, Тожикистон фуқароси экани айтилган тўрт жангари ҳалок бўлди.

24 апрель куни Қундуз вилояти губернатори Омер Сафи Озодлик радиоси туркман хизмати билан қилган суҳбати давомида “Уч мингга яқин жангари беш йирик туманда жанг қилмоқда”, деб билдирди.

Сафи афғон хавфсизлик кучлари томонидан йўқ қилинган жангарилар орасида чечен ва тожиклар борлиги аниқланганини айтди.

Associated Press агентлигига эса Сафи тўқнашувлар бўлган жойларда 18 ажнабий жангари жасади топилганини ҳамда улар орасида “Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркия ҳамда Чеченистон” фуқаролари борлигини айтган. Ҳоким жангариларнинг кўпчилиги Афғонистонга оиласи билан келганини айтган.

Афғонистоннинг Туркменистон билан чегарадош ғарбий қисмида ҳам зўравонликлар кўпаймоқда.

Олис ва бориш мушкул бўлган бу ҳудудда жангарилар кимлиги ва қаердан эканини аниқлаш жуда қийин.

Айрим афғон расмийлари жангарилар ЎИХнинг тожик қаноти ҳисобланувчи гуруҳ аъзолари эканини, бошқа расмийлар эса

жангарилар орасида ҳам ЎИХ, ҳам унинг тожик қаноти аъзолари борлигини айтишмоқда.

Бадахшон губернатори Шоҳ Валиулло Адиб 15 апрель куни жангариларнинг аксари четдан келганини айтди. Адиб “икки юзга яқин жангчи, айримлари оиласи билан Дарайи-Хустан ҳудудига жойлашган”, деди ва улар Ўзбекистон, Тожикистон, Чеченистон ҳамда бошқа мамлакатлардан келганини айтди.

Расмийлар Жўзжон вилоятининг Ақча туманида мазкур ҳафтада содир бўлган тўқнашувларда камида 300 “ажнабий” жангари иштирок этганини билдиришди. Озодлик радиоси туркман хизмати билан суҳбатлашган маҳаллий аҳоли жангарилар шеvasидан уларнинг Ўрта Осиёдан келганини англаш мумкинлигини айтди.

Жангариларнинг сони нечталиги, толиблар томонида жанг қилаётгани ёки ўз мақсадларини кўзлаб курашаётгани маълум эмас.

ЎИХ 1999-2000 йилларда Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон чегаралари туташган ерларда ҳужумлар уюштираётганида гуруҳни толиблар бошпана билан таъминлаган. 2001 йилда ЎИХ Афғонистонда фаолият юритган ҳамда толиблар қўлига ўтмаган 5 фоиз ерларга қилинган ҳужумларда иштирок этган.

2001 йил охирига келиб АҚШ толибларни бомбардимон қила бошлаганидан кейин ЎИХ жангариларининг кўпчилиги Покистонга қочиб ўтган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ҳокимият томонидан мажбурий чопиққа чиқарилган ўқувчилардан бири каналга чўкиб ўлди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 25-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Улуғбек Исҳоқов 19 май куни каналга чўкиб нобуд бўлди. Озодлик манбаларига кўра, пахта чопиғига мажбуран олиб чиқилган ўқувчилар тушликдан сўнг каналда чўмилаётганда фожеа содир бўлган.

Зарбдор туманининг Лалмикор қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган 25-умумтаълим

мактабининг 9-синф ўқувчиси, 15 яшар Улуғбек Исҳоқов 19 май куни Окбулок каналига чўкиб кетди.

Бу ҳақда Озодликка хабар берган зарбдорлик манбага кўра, ўша куни мактабнинг юқори синф ўқувчилари мажбурий пахта чопиғига чиқарилган:

- 25-мактабнинг 9-синф ўқувчиларини мактаб директори, РайОНО мудири мажбуран чопиққа олиб чиқаяпти, у бола каналга

чўкиб ўлаяпти. Мактабда дарс бўлмаяпти. Воқеа туш пайтида содир бўлаяпти. Болалар обед қилиб бўлаяпти, у бола бир ювиниб келай деб каналга ташлаб ўлаяпти, дейди воқеа ривожини тасвирлашга уринган Озодлик манбаси.

Исми сир қолишини сўраган мактаб ўқитувчиларидан бири, ўқувчиларнинг мажбурий пахта чопиғига чиқарилганини тасдиқлади:

- Халқ таълими бўлими мудири ҳамма мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини дарсларни қолдириб чопиққа олиб чиқишга буйруқ берган. 19 май куни ҳам мактабимизнинг 9-синф ўқувчилари “Раҳмон нияти” фермер хўжалигига эрталабдан чопиққа чиқарилган эди. Туш пайтида ўқувчимиз Улуғбек Исҳоқов каналда чўмиламан, деб чўкиб кетган. Синфдошлари ҳаракат қилиб сувдан чиқариб олишган. Мошинада касалхонага олиб боришган. Лекин унинг жони аллақачон чиқиб бўлган экан, деди хавфсизлиги билан боғлиқ хавотирлар боис ўз исми очикланмаслигини сўраган ўқитувчи. Унинг айтишича, бу воқеадан сўнг барча ўқувчилар

дарсга қайтарилган.

Зарбдор тумани Халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Элмуродов бу воқеа хусусида Озодлик билан гаплашишни истамади.

Исми сир қолишини сўраган ўқитувчининг Озодликка айтишича, бу фожеа оқибатларидан кўрққан масъуллар, ўқитувчи ва ўқувчилар, қолаверса, мархумнинг яқинларига босим ўтказиб, уларни ёлғон кўрсатма беришга мажбурламоқда:

— Вазирлар Маҳкамасининг

ва бюджет ташкилотлари ходимларининг, айниқса пахта терими пайтида далага олиб чиқилиши “замонавий қулликнинг кўриниши”, дея қораланади. Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми раҳбари Умида Ниёзованинг айтишича, бундай ҳолатлар ўзбек ҳукуматининг ўқувчи ва талабаларни мажбурий меҳнатга жалб қилиниши тамоман тўхтатилди деган иддаосини савол остига кўяди:

- Биз 2012 йилда биринчи марта Ўзбекистонда болалар меҳнати оммавий тарзда қўлланилмади деб баёнот берган эдик. Шундан сўнг Ўзбекистон ҳукумати жуда кўп инвестиция олди, Жаҳон банкидан салкам ярим миллион доллар кредит олмақда. Халқаро ҳамжамият болалар меҳнатига Ўзбекистонда чек қўйилди деган хулосага келган эди. Лекин бу йил болаларнинг мажбурий чопиққа



қарорига кўра ўқувчиларни дала ишларига жалб қилиш мулақо мумкин эмас. Лекин бу қарорни ҳокимлар бир тийинга ҳам олмайди. Туман ҳокими Халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Элмуродовга буйруқ берган. Шу ўқувчимизнинг ўлимига қадар тумандаги 25 та мактабнинг барча юқори синф ўқувчилари дарсни қолдириб чопиққа чиқарилган эди. Энди эса “бу ўқувчи ўша кунлари дарсда йўқ эди, онаси дарсдан жавоб олган эди” деган баҳона билан ишни босди-босди қилишмоқчи, дейди воқеа тафсилотларидан яхши хабардор ўқитувчи.

Озодлик манбаларига кўра, Улуғбекнинг ўлими ҳозирда Зарбдор тумани прокуратураси томонидан ўрганилмоқда.

15 яшар Улуғбек Исҳоқов оиладаги тўрт фарзанднинг учинчиси бўлган. Отаси вафот қилган, тўрт фарзанд ёлғиз онанинг қарамоғида бўлган. Бир акасининг Россияда меҳнат муҳожирилигида экани айтилмоқда.

Ўзбекистонда мажбурий меҳнат муаммоси халқаро ташкилотлар тарафидан йиллардан бери танқид қилиб келинади. Талаба, ўқитувчи, тиббиёт ходимлари

чиқарилганлиги ҳақида жуда кўп вилоятлардан ташвишли хабарлар келмоқда. Биз албатта бу фактларни Жаҳон банкига етказамиз ва расмий Тошкентдан болалар меҳнатини қўлламаслик борасида қатъий позицияда туришни талаб қиламиз, деди Умида Ниёзова.

Ўзбекистон вилоятларида мактаб, коллеж ўқувчилари ва олийгоҳлар талабаларини пахта чопиғига мажбуран сафарбар этиш ҳолатлари айти кунларда сурункали тус олмақда.

Жорий ой бошида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мулозимамлакат бўйлаб ўқитувчилар мажбурий меҳнатга жалб қилинаётганини эътироф этди.

Вазирлик расмийси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эксплуатация қилиниши қонунга хилоф бўлишига қарамай Халқ таълими вазирлиги бу муаммони ҳал эта олмаслигини таъкидлаган эди.

Манба: Озодлик

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик